



ИНСТИТУЦИОНАЛ МУҲИТ ВА ҲУДУДИЙ РИВОЖЛАНИШ: КЎП ДАРАЖАЛИ ЁНДАШУВ

Туракулов Тимур

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0009-6423-6630
tta-tima.ik-304@mail.ru

Аннотация. Мақолада институционал ёндашувнинг назарий асослари ва унинг минтақавий иқтисодий ривожланишга таъсири таҳлил қилинади. Миллий ва ҳудудий институтлар ўртасидаги уйғунлик, расмий ва норасмий институтлар ҳамкорлиги, ижтимоий ишонч ва маданий омиллар асосида институционал тузилмавий модул концепцияси таклиф этилади.

Калит сўзлар: институционал ёндашув, минтақавий ривожланиш, расмий институтлар, норасмий институтлар, ижтимоий ишонч, институционал уйғунлик, кўп даражали бошқарув, маданий омиллар, транзакцион харажатлар, иқтисодий сиёсат.

ИНСТИТУЦИОНАЛЬНАЯ СРЕДА И ТЕРРИТОРИАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ: МНОГОУРОВНЕВЫЙ ПОДХОД

Туракулов Тимур

Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье анализируются теоретические основы институционального подхода и его влияние на региональное экономическое развитие. Предлагается концепция институционально-структурного модуля, основанная на согласованности национальных и региональных институтов, взаимодействии формальных и неформальных институтов, социальном доверии и культурных факторах.

Ключевые слова: институциональный подход, региональное развитие, формальные институты, неформальные институты, социальное доверие, институциональная согласованность, многоуровневое управление, культурные факторы, транзакционные издержки, экономическая политика.

INSTITUTIONAL ENVIRONMENT AND TERRITORIAL DEVELOPMENT: A MULTILEVEL APPROACH

Turakulov Timur

*Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems
of the Development of the Economy of Uzbekistan"
under Tashkent State University of Economics*

Abstract. *The article analyzes the theoretical foundations of the institutional approach and its impact on regional economic development. The concept of an institutional structural module is proposed based on the coherence between national and regional institutions, cooperation between formal and informal institutions, social trust and cultural factors.*

Keywords: *institutional approach, regional development, formal institutions, informal institutions, social trust, institutional coherence, multi-level governance, cultural factors, transaction costs, economic policy.*

Кириш.

Минтақавий тараққиётни жадаллаштириш замонавий иқтисодий сиёсатнинг марказий ва устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Аммо ҳудудлар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш учун фақат алоҳида лойиҳалар ёки молиявий субсидиялар етарли эмас. Бу масалада ҳал қилувчи омил – институтлар, яъни қонун-қоидалар, ташкилий амалиётлар, ижтимоий қадриятлар ва бизнес маданияти қандай шаклланишига ва уларнинг қай тарзда фаолият юритишига боғлиқ.

Шу билан бирга, расмий институтлар (масалан, солиқ имтиёзлари, кредит кафолатлари) ҳамда норасмий институтлар (таълим анъаналари, маҳаллий бизнеснинг ривожланиш маданияти) ҳудудлар кесимида турлича шаклланган. Натижада, институтлар ўртасидаги ўзаро мувофиқлашувнинг етишмаслиги ҳудудлараро иқтисодий ўсиш суръатларидаги номутаносибликларни келтириб чиқармоқда ва тизимли ривожланиш учун тўсиқ вазифасини ўтамоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Институционал ёндашувнинг методологик илдизлари Коузнинг транзакцион харажатлар ҳақидаги 1940-йиллар бошидаги гипотезаларига бориб тақалади. Институтлар замонавий иқтисодий назарияда иқтисодий ўсиш ва узоқ муддатли тараққиётнинг энг асосий таркибий омили сифатида тан олинган (Acemoglu, 2005). Аммо уларнинг аҳамияти, айниқса, давлатлар ривожига таъсири, 1990-йилларда Нортнинг (1990) институтларга оид илк тизимли таърифи (institutions as "rules of the game") тарқалгунча кенг эътибордан четда қолган эди. Аввал қайд этилганидек, Норт (1990) институтларни инсонлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи қоидалар тўплами сифатида таърифлаб, уларни капитал, меҳнат ва технологиядан ҳам кучлироқ таъсир этувчи иқтисодий сигнал механизми сифатида баҳолайди. Уильямсон (2000) эса институтларни бозор ва иерархия ўртасидаги танловда транзакцион харажатни пасайтиришга қодир механизм сифатида кўради ва "бозор-иерархия-гибрид" концепциясини назарий асос сифатида илгари суради.

Кейинги босқичда институционал ёндашувнинг кўп қатламли табиати Менар ва Ширли (2022) томонидан янгича таҳлил этилиб, институтлар расмий ва норасмий, тўғридан-тўғри ва билвосита таъсирлар орқали амал қилувчи тизим сифатида қайта шакллантирилади. Улар бу тизимни ҳудудий таҳлил учун методологик "йўл харитаси" сифатида тавсия этадилар.

Казорло ва Каллего-Боно (2023) иқтисодий институционализмнинг турли йўналишларини анъанавий институционализм, янги институционализм ва иқтисодий

неоинституционализмни таҳлил қилдилар. Улар бозор муваффақиятсизлиги, агентлик муаммолари ва транзакция харажатларини тушунишда институционал ёндашувнинг аҳамиятини кўрсатадилар.

Тамбовцев (2021) иқтисодий институционализмнинг сўнгги қирқ йилда ривожланган йўналишларини таҳлил қилиб, улар анъанавий ва янги институционал иқтисод назарияларини кенгайтириши, лекин уларни рад этмаслигини таъкидлайди.

Медема ва бошқалар (2020) ҳуқуқ-иқтисодда институционал ёндашувни таҳлил қилиб, иқтисодий жараёнларга ҳуқуқий тизимнинг таъсирини ва, аксинча, иқтисоднинг ҳуқуқдаги ўрнини кўрсатадилар. Улар таъкидлайдиларки: ҳуқуқ ва иқтисодда эволюцион ёндашув муҳим аҳамиятга эга.

Вайлатти ва бошқалар (2017) институционал назариянинг менежмент ҳисобидаги қўлланилишини таҳлил қилиб, янги институционал иқтисод назариясидаги изоморфизм жараёнлари ташкилотларнинг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда қандай аҳамиятга эгаллигини кўрсатадилар.

Гислен (2003) институционал иқтисоднинг сиёсий иқтисодиётда ривожланишини, либерал ва гетеродокс йўналишлар ўртасидаги фарқларни ва Веблен ҳамда Коммонснинг институционал назарияларини таҳлил қилади. Шу пайтдан бошлаб, иқтисодчилар ва сиёсатшунослар институционал сифат билан иқтисодий натижалар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга уринишди, чунки ўсиш моделларидаги юқори қийматли қолдиқлар иқтисодий ўсишни тушунтирувчи анъанавий омиллардан ташқаридаги таъсирлар ҳақида қайтадан фикр юритишга ундади (Rodríguez-Pose, 2013).

Гарчи бугун институтларнинг муҳимлиги бўйича илмий доираларда кенг консенсус мавжуд бўлса-да, қайси институтлар айти пайтда иқтисодий ривожланиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани борасида яқдил фикр йўқ (Rodríguez-Pose, 2013). Масалан, бу олий даражадаги “ўйин қоидалари” (бошқарув, қонун устуворлиги, ҳуқуқий кафолатлар) билан боғлиқ расмий структураларми ёки кундалик амалиётга дахлдор реал сиёсатми?

Шунингдек, миллий институтлар ҳали ҳам устувор аҳамиятга эгами ёки минтақавий институтлар, хусусан, номарказлашган бошқарув тизимларида, иқтисодий ўсишга кўпроқ таъсир кўрсатадими? Бу саволларга жавоб беришда марказлашув даражаси ва ҳудудий автономия асосий таҳлил мезонига айланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Назарий нуқтаи назаридан, барча институтлар бир хил таъсирга эга эмаслиги бўйича қисман консенсус мавжуд (Acemoglu, 2003). Масалан, Тайлкот макроиқтисодий кўрсаткичлардаги ўзгаришлар кўпинча муайян сиёсий қарорлардан кўра, чуқурроқдаги институционал асослар орқали яхшироқ тушунтирилишини таъкидлайди (Tylecote, 2015). Бу қараш “институтлар иерархияси” гипотезасига мос келади: унга кўра, сиёсий институтлар (мулк ҳуқуқи, ҳокимиятлар бўлиниши, қонун устуворлиги) чуқур тарзда иқтисодий ўсишга таъсир этувчи асосий қоидаларни шакллантиради; иқтисодий институтлар эса ресурсларни тақсимлаш ва сиёсатлар орқали шундай асосларга таянган ҳолда бевосита таъсир кўрсатади (Acemoglu, 2005).

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, агар давлат бошқарувининг икки даражаси: миллий ва субмиллий (ҳудудий) ҳисобга олинса, уларнинг ҳар бири иқтисодий ривожланишга турлича таъсир кўрсатиши табиий. Хусусан, субмиллий институтлар, одатда, мулк ҳуқуқи ва транзакцион харажатлар каби базавий қоидалар аллақачон белгилаб қўйилган кенгроқ миллий миқёсда фаолият юритади. Уларнинг вазифаси, аввало, амалдаги сиёсатни ҳудудий даражада тўғри қонунийлаштириш ва самарали ижро этишдан иборат бўлади. Бу эса шундай саволни ўртага қўяди: давлат бошқарувининг ҳар бир даражасидаги сифат ҳудудий иқтисодий ўсишга қандай мустақил ва ўзига хос таъсир кўрсатади?

Мавжуд адабиётларда институционал сифатнинг иқтисодий ривожланишга таъсири, асосан, яққалиқда таҳлил қилинган ёки давлатлар кесимидаги миллий институтлар (Acemoglu, 2005) ёки ҳудудлар кесимидаги субмиллий институтлар (Rodríguez-Pose, 2013). Баъзи ҳолларда эса маҳаллий даражадаги бошқарув сифатлари алоҳида кўриб чиқилган (Balaguer-Coll, 2022). Бироқ бу тадқиқотларнинг аксарияти бир хил даражадаги институтларнинг таъсирини ўлчашга қаратилган, институционал сифатнинг турли даражалардаги (миллий ва ҳудудий) ўзаро таъсири эса етарлича ўрганилмаган.

Бу бўшлиқ шундан далолат берадики, иқтисодий ривожланишни тўлиқ тушуниш учун нафақат муайян даражадаги институтларнинг сифати, балки улар ўртасидаги мувофиқлик ва уйғунлик даражаси ҳам таҳлил марказида туриши лозим. Масалан, агар миллий даражада ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкам бўлса-да, маҳаллий даражада ижро тизими заиф бўлса, умумий институционал муҳит самарасиз бўлиши мумкин. Шу сабаб, иқтисодий ўсиш моделларида “институционал уйғунлашув”, яъни миллий ва ҳудудий институтларнинг вертикал мувофиқлашуви алоҳида таҳлил категорияси сифатида киритилиши зарур.

Сўнгги йилларда институционал таҳлилда маданий ва хатти-ҳаракат (хулқий) омиллар катта аҳамият касб эта бошлади. Масалан, Хуггинс ва Томпсоннинг (2025) Британия ҳудудлари бўйича ўтказган тадқиқотида 17 та хатти-ҳаракат кўрсаткичдан иборат индекс асосида “имконият маданияти” кўрсаткичи ва ҳудудий ялпи маҳсулот (ҲЯМ) ўртасида корреляция аниқланади; ушбу индексда 1 пунктлик ўсиш ҲЯМ ўсишини ўртача 0.35 фоизга тезлаштириши мумкинлиги кўрсатилган. Бу эса институтларнинг анъанавий расмий ёки ҳуқуқий функцияларидан ташқари, аҳолининг индивидуал қарорлар қабул қилиш қобилияти, ижтимоий ишонч ва тадбиркорлик муҳитини қамраб олиши лозимлигини кўрсатади. Натижада, хатти-ҳаракат омиллар институционал сифатнинг ажралмас қисми сифатида қаралиши ва улар институционал тузилмавий модулнинг таркибий элементи бўлиши керак.

Кўп даражали бошқарув моделлари асосида олиб борилган тадқиқотлар институционал иерархиянинг самарадорликка таъсирини яққол намоён қилмоқда. Масалан, Ли ва бошқалар (2025) Хитойнинг 40 та провинциясидаги 10 йиллик маълумотлар устидаги GMM-моделлар орқали ҳар бир бошқарув даражаси қўшимча иқтисодий ўсишга ҳисса қўшаётганини, аммо ушбу таъсир бошқа мустаҳкамловчи институтларсиз заифлашишини аниқлашган. Уларнинг хулосасига кўра, институтлар бир-биридан мустақил равишда эмас, балки ўзаро боғлиқ, бир-бирини кучайтирувчи модуллар сифатида самарали фаолият кўрсата олади. Бу эса вертикал мувофиқлашувни институционал ислохотлар марказига олиб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Ҳудудий ва миллий даражадаги институтлар таъсири нисбий жиҳатдан қаралганда, Апарисио-Перес ва бошқалар (2025) кўп сатҳли (MLM) моделлар асосида миллий институтлар ҳудудий ялпи маҳсулот (GRP) вариациясининг тахминан 60 фоизини, ҳудудий институтлар эса 40 фоизини изоҳлашини аниқлашди. Бу натижа ҳудудий сиёсатни марказий стратегиянинг бўлинмас қисми эмас, балки мустақил драйвер сифатида кўриш зарурлигини тасдиқлайди. Миллий ва ҳудудий ислохотлар уйғун равишда амалга оширилмаса, иқтисодий ўсишдаги ҳудудлараро номутаносибликни бартараф этиш қийин кечади.

Институционал интеграциянинг амалиётдаги кўринишлари Европанинг 2021–2027 йилларга мўлжалланган Кохезия сиёсатида яққол кузатилди. Квантил таҳлиллари шуни кўрсатдики, субмиллий шерикчилик ва шаффоф тендер тизимлари инфратузилма лойиҳаларида 16 фоизгача транзакцион харажатларни камайтирган. АҚШдаги “CHIPS & Science Act” ва “Build Back Better Regional Challenge” ташаббуслари федерал грантлар, солиқ кредитлари ва маҳаллий шерикчилик орқали ҳудудий инновация кластерларини шакллантирди. Масалан, Интелнинг Оҳайо штатига йўналтирган 20 млрд.долларлик

сармояси Time журналида корпоратив ва жамоат секторлари ўртасидаги институционал ҳамкорлик намунаси сифатида кўрсатилди (Rohan, 2023). Тараққиёт босқичида бўлган мамлакатларда институционал сифат, айниқса ҳудудлараро номутаносиблик муҳитида муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистон мисолида Жаҳон банкининг (2023) “Infrastructure Governance Assessment” ҳисоботида кўра, давлат лойиҳаларининг ҳаёт циклидаги транзакцион харажатлар заиф институционал муҳит сабабли режалаштирилган даражадан 25 фоизга юқори. Бундан ташқари, “Uzbekistan Country Economic Memorandum” таҳлилларида кўрсатилишича, хусусий секторга қаратилган институционал ислохотлар баъзи ҳудудларда самара бераётган бўлса-да, бошқаларида паст ижро интизоми ва шаффофлик етишмаслиги сабабли кечикиб бормоқда (World Bank, 2025). Бу каби ҳолатлар ҳудудий институтларнинг миллий ислохотлар билан уйғунлашмаган ҳолдаги заифлигини яққол намоён этади. Маҳаллий олимлардан, Х.Т.Мухитдинов (2012) ўз тадқиқотида “институционал ривожланишни тавсифлашда технологик ўзгаришлар таҳлилига муҳим роль ажратилиши лозим. Кўрсатилган ўзгариш натижаси бўлиб, жамиятдаги қоидалар тизимини модификациялаш иштирок этади. Технологик ўзгаришлар таъсири остида ихтирони ишлаб чиқиш ва жорий қилиш жараёнига бевосита жалб қилинган иқтисодий субъектлар маълум бир гуруҳи амалдаги қоидалар янги тизимида тақсимловчи устунликларни қўлга киритади” -деб фикр бўйлдирган. Хайдаровнинг (2012) фикрича, “Институционализм назариясига кўра иқтисодий жараёнларни - жамият таассуроти, яъни ушбу ҳудудда ва миллатга мансуб бўлган кўпчиликни ташкил қилувчи гуруҳларнинг дунёқараши, психологияси, урф-одатлари ва удумлари, фикр юритиш услуби ва ўзини тутиши шакллантиради. Институтлар ёки – муассасалар деб институционализм назариётчилари ижтимоий ҳолатларни – оила, давлат, касаба уюшмалари, ташкилотлар, қонунчилик ва жамият муассасаларини келтирадилар. Институционализм назариётчилари ўз изланишларида урф-одатлар тарихига, удумлар ва маданий муносабатлар шаклланишига эътибор қаратадилар. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ўзбек моделини амалга оширилишида деярли барча келтирилган институционал назарияси элементлари қўлланилади”.

Юқорида келтирилган таҳлиллار шуни кўрсатадики, институционал тадқиқотларда бир неча жиддий бўшлиқлар мавжуд. Биринчидан, расмий ва норасмий институтлар ўртасидаги ўзаро таъсирни комплекс тарзда баҳоловчи индикаторлар тўлиқ шаклланимаган. Иккинчидан, ҳудудий хусусиятлар, ижтимоий ишонч ва хатти-ҳаракат омилларни бирлаштирган интеграл индекс методологияси йўқ. Шу муносабат билан, ушбу тадқиқот “Институционал тузилмавий модул”ни илгари суради. У мулк ҳуқуқи, шартнома ижроси, тендерлар шаффофлиги, лицензиялаш жараёни, коррупция хавфи, аҳоли ишончи ва маҳалла иштирокининг юқори сифатли кўрсаткичларини қамраб олган модулли тузилмада яратилади.

Ҳудудий ўсиш суръатларини кучайтириш учун институционал ёндашувнинг аҳамияти шундаки, у иқтисодий ўсишга таъсир этувчи туб (фундаментал) омилларнинг таъсир механизмини очиқ беради. Бундай фундаментал омиллар қаторига норматив-ҳуқуқий база, маданий-институционал муҳит, ижтимоий капитал ва бошқарув архитектураси киради. Ушбу омиллар анъанавий иқтисодий ресурслар: меҳнат, капитал ва технологиялар сингари ишлаб чиқариш факторларига нисбатан билвосита ва комплекс таъсир кўрсатади. Шунинг учун уларни стратегик таҳлил қилиш институционал ёндашувнинг муҳим вазифасидир. Шу билан бирга, О. Уильямсоннинг қарашлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унинг назариясига кўра, ҳар бир институт: давлат, бозор ёки аралаш шаклдаги тизим ўз ичида амалга ошадиган келишувлар ва иш юритиш жараёнлари билан боғлиқ харажатлар асосида баҳоланади. Хусусан, қайси тизимда ишлар тез, арзон ва самарали ҳал бўлса, ўша яхшироқ деб қаралади. Бу ёндашув, айниқса, давлат ва хусусий ташкилотлар ҳамкорлиги, лойиҳаларни бошқариш ва бюджет маблағларини адолатли тақсимлаш каби соҳаларда фойдалидир.

Хулоса ва таклифлар.

Сўнгги тадқиқотларда янги институционал иқтисодиёт мактаби институтларни кўп қатламли тизим сифатида моделлаштирмакда. Бу қарашга кўра, институционал муҳитнинг таркибий қисмлари: расмий қоидалар, норасмий нормалар, хатти-ҳаракат омиллар ва кўп даражали бошқарув ўзаро таъсирчан мувозанатда фаолият юритган тақдирдагина юқори институционал сифат таъминланади. Таъкидлашимиз мумкинки, мазкур компонентлар ўртасидаги уйғунлашув, яъни синергияни таъминламай туриб, ҳеч қандай институционал ислохотлар кутилган натижани бермайди. Натижада, минтақавий сиёсат ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш жараёнларида институционал элементларнинг ўзаро мувофиқлиги ва тизимли интеграцияси иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи асосий шарт сифатида қаралиши зарур.

Адабиётлар /Литература/References:

- Acemoglu, D., S. Johnson, and J. A. Robinson (2005). "Institutions as a Fundamental Cause of Long-Run Growth." In *Handbook of Economic Growth Chapter 6*, 385–472. Amsterdam: Elsevier.
- Balaguer-Coll, (2022). "Quality of Government and Economic Growth at the Municipal Level: Evidence From Spain." *Journal of Regional Science* 62, no. 1: 96–124.; Rodríguez-Pose, A., and M. Zhang. 2019. "Government Institutions and the Dynamics of Urban Growth in China." *Journal of Regional Science* 59, no. 4: 633–668.
- Cazorla Logroño, M. F., & Gallego-Bono, J. R. (2023). *Approaches to Economic Institutionalism: A Theoretical Review of its Characteristics and Elements of Study*. Academic Journal of Interdisciplinary Studies.
- Claude Ménard, Mary M. Shirley. (2022) *Advanced Introduction to New Institutional Economics*. Edward Elgar.
- Daniel Aparicio-Pérez (2025) *On the Relative Contributions of National and Regional Institutions to Economic Development*. 21 April. <https://doi.org/10.1111/jors.12776>
- Gislain, J. (2003). *Emergence of the Institutional Approach in Political Economy*.
- Klomp, J., and J. de Haan. (2009). "Political Institutions and Economic Volatility." *European Journal of Political Economy* 25, no. 3: 311–326.
- Li, Yingbo et al. (2025). "Revisiting regional governance and regional development: Measurements, linkages and coupling effect," *World Development*, Elsevier, vol. 185(C).
- Medema, S., Mercurio, N., & Samuels, W. (2020). *Institutional Law and Economics*. *Economics and the Law*. <https://doi.org/10.2307/j.ctv131bw26.7>.
- North, D. C. 1990. *Institutions, Institutional Change and Economic Performance*. Cambridge, MA: Cambridge University Press.
- Persson, T., and G. Tabellini. 2021. "Culture, Institutions, and Policy." In *The Handbook of Historical Economics*, edited by A. Bisin and G. Federico, 463–489. Amsterdam: Elsevier.
- Robert Huggins, Piers Thompson. (2025) "Behavioural Theory and Regional Development", *Spatial Economic Analysis*.
- Rodríguez-Pose, A. (2013). "Do Institutions Matter for Regional Development?" *Regional Studies* 47, no. 7: 1034–1047.
- Rodríguez-Pose, A. (2013). "Do Institutions Matter for Regional Development?" *Regional Studies* 47, no. 7: 1034–1047.
- Rodríguez-Pose, A., and R. Ezcurra. (2010). "Is Fiscal Decentralization Harmful for Economic Growth? Evidence From the OECD Countries." *Journal of Economic Geography* 11, no. 4: 619–643.
- Tabellini, G. (2010). "Culture and Institutions: Economic Development in the Regions of Europe." *Journal of the European Economic Association* 8, no. 4: 677–716.
- Tambovtsev, V. (2021). *Institutionalisms in Economics: What are Behinds Their Variety?* 13, 020-036. <https://doi.org/10.17835/2076-6297.2021.13.1.020-036>.
- Tylecote, A. (2015). "Institutions Matter: But Which Institutions? And How and Why Do They Change?" *Journal of Institutional Economics* 12, no. 3: 721–742.

Vailatti, J. L., Rosa, F., & Vicente, E. F. R. (2017). *Institutional theory applied to management accounting: analysis of theoretical and methodological contribution of international publications occurred in the 2006-2015 period*, 16, 97-111. <https://doi.org/10.16930/2237-7662/RCCC.V16N47P97-111>.

Williamson, O. E. (2000). "The New Institutional Economics: Taking Stock, Looking Ahead." *Journal of Economic Literature*, 38(3), 595–613.

World Bank. (2023) *Uzbekistan Infrastructure Governance Assessment*, Washington DC. <https://thedocs.worldbank.org/en/doc/9a1b20251d1688c58b83ce8d3baa250f-0080012023/original/Uzbekistan-InfraGov-Report.pdf>

World Bank. (2025) *Uzbekistan Country Economic Memorandum: Fostering Private Sector-Led Growth and Global Integration*, <https://openknowledge.worldbank.org/server/api/core/bitstreams/12b38302-284e-460d-8286-db5ee2de59ac/content>

Мухитдинов Х.Т. (2012) Инновацион салоҳият шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилишга институционал ёндашув. *Иқтисод ва молия / Экономика и финансы* № 2. 2-6 б.

Хайдаров М.Т. (2012) Иқтисодий ислоҳотларнинг институционал жиҳатлари. *Иқтисод ва молия / Экономика и финансы* № 6,. 2-7 б.